



МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ “ҒАЛАБА БОҒИ” ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ

1 БОБ: “ҒАЛАБА БОҒИ” ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ

4-МАШҒУЛОТ: “ЁВНИ МАВҲ ЭТГАН АДОЛАТ КУЧЛАРИ” МАЙДОНЧАСИ



“Ғалаба боғи”идан ўрин олган “Ёвни мавҳ этган адолат кучлари” майдончасида артиллерия, зенит қурилмалари, уруш жараёнида туб бурилиш ясалишида алоҳида ўринга эга бўлган афсонавий “Катюша”, енгилмас Т-34 танклари, қирувчи самолётлар ЯК-3, Ла-5, Ла-7, штурмчи Ил-2, Тошкентда ишлаб чиқарилган Ли-2 транспорт самолётларини томоша қилиб, уруш давридаги ҳарбий техника ҳақидаги тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Т-70 танки



Т-70 — Иккинчи жаҳон уруши давридаги энгил совет танки. 1941 йилнинг октябр-ноябр ойларида Горький автомобил заводида ишлаб чиқарилган. Қуролланишга 1942 йилнинг январ ойида қабул қилинган.

Т-70 энгил танклари Т-34 танклари билан биргаликда танкчи бригада ва полкларининг қуролланишида бўлган ҳамда ўзиюлар артиллерия қурилмалари полки ва бригадаларида командирлар машинаси сифатида фойдаланилган.

Т-70 танки ўзининг юқори ҳаракатчанлиги туфайли чекинаётган душманни таъқиб этиш вазифаларини мукаммал бажарган. Т-34 ва оғир КВ танкларидан фарқли равишда Т-70 танки юксак манёврчанликка энг бўлган.

Т-70 танкига 45 мм тўп ва минорасида 7,62 мм Дягтерёв танк пулемёти ўрнатилган. Танк экипажи икки кишидан — механик - ҳайдовчи ва командирдан иборат бўлган. Танкнинг жанговар вазни — 9,2 тонна, максимал тезлиги — 45 км/с.

Т-34 ўртача танки



Т-34 танки Иккинчи жаҳон урушида ғалабани таъминлаган совет қуролларидан бири ва қозонилган ғалаба тимсоли ҳисобланади. Т-34 ўртача совет танки 183-сонли Харьков заводида М. Кошкин раҳбарлигида ишлаб чиқарилган. 1940 йилда қуролланишга қабул қилинган. Иккинчи жаҳон урушининг барча операцияларида иштирок этган Қизил армиянинг асосий ва энг оммавий танки ҳисобланган. Ўрнатилган В-2 дизел двигатели танkning юқори манёврчанлигини ва ўтувчанлигини ҳамда янги шаклдаги зирхи унинг юқори ҳимоясини таъминлаган. Т-34 танклари душман танклари билан курашиш, ҳужумда пиёдаларни бевосита қўллаб-қувватлаш, душман мудофааси ёриб ўтиш ва душман мудофааси ичкарасида ҳужумни ривожлантириш, чекинаётган душманни таъкиб қилиш, унинг йирик куч гуруҳларини қуршовга олиш ва бошқа мақсадлар учун қўлланилган.

Т-34 танки ўзининг ҳимояланиш даражаси ва тўпининг қувватига кўра Panzerkampfwagen III, IV ўртача немис танкларидан анча устунликка эга эди. 1944 йилда унинг негизда 85 мм ли тўпга ва мукамал зирхга эга Т-34-85 танки яратилди. 1942 йилдан Т-34 танклари Урал ва Сибир машинасозлик заводларида ишлаб чиқарилган.

Танkning тавсифлари: экипажи – 4 киши; оғирлиги – 26,8 т; тезлиги – 53,5 км\с; куч қурилмаси 500 от кучига эга В-2 дизел двигатели; қуроллари – 76 мм тўп, 2 та 7,62 мм ли ДТ пулемётлари; бир заправка билан ҳаракатланиши – 300-370 км; олд зирхи – 45 мм.

СУ -100 ўзи юрар артиллерия қурилмаси



СУ-100 – Иккинчи жаҳон уруши даврида танкларни яқсон қилиш учун мўлжалланган ўртача оғирликдаги совет ўзиюрар артиллерия қурилмасидир. 1944 йилнинг бошларида Уралмаш завод конструкторлик бюроси томонидан Т-34-85 ўрта танки негизида барпо этилган. СУ-100 ўзиюрар артиллерия қурилмаси Иккинчи жаҳон урушининг охири давларида ва совет-япон урушида қўлланилган. СУ-100 ўзига хос отиш қувватига эга бўлиб, ҳар қандай нишонга олиш масофаларида душман танклари билан жанг қилишга қодир бўлган. 100 мм ли Д-10 С тўпининг зирхтешар снаряди 2 минг метр масофадан 139 мм ли қалинликдаги зирхни, бир километргача бўлган масофаларда эса ҳар қандай фашист танкларининг зирҳини бутунлай теша олган.

Тактик-техник тавсифлари: экипаж – 4 киши; олд зирҳи – 75 мм; юриш узоқлиги – 140 км; тезлиги – 55 км/с; оғирлиги – 31,2 т; куч қурилмаси, қуввати 520 от кучига эга В-2-34М дизел двигатели; қуроли – 100 мм ли Д-10 С тўпи.

ИС-2 оғир танки



ИС-2 танки 1943 йилнинг 31 октябрида СССР зирҳли танк қўшинлари қуролланишига қабул қилинган. ИС-2 танки КВ танки негизида яратилган бўлиб, 122 мм калибрли узун стволли тўп билан жиҳозланган. Вермахтда ушбу танк билан кураш олиб борадиган восита бўлмаган, ҳатто фашистларнинг энг қудратли “Тигр” танкларидаги тўпнинг калибри 88 мм ни ташкил этган. Немис қўмондонлигининг расмий кўрсатмаси мавжуд бўлиб, унда “Тигр” танklarининг ИС-2 танклари билан тўғридан-тўғри жангга кириши тақиқланган, ёки ИСларга қаши жангга кириш учун 3-5 марталик устунлик яратилиши талаб қилинган. ИС-2 танklarининг яратилиши билан Қизил армия немисларнинг оғир танклари билан курашишга қодир самарали воситага эга бўлди. Танк тўпининг қудратли бир зарбаси душманнинг ҳар қандай зирҳли объектларини ва узоқ муддатли отиш нуқталарини яқсон қилган. Тактик-техник тавсифлари: экипаж – 4 киши; олд зирҳи – 120 мм; юриш узоқлиги – 150 км; тезлиги – 37 км\с; оғирлиги – 46 т; куч қурилмаси - қуввати 520 от кучига эга В-2 двигатели; қуроллари – 122 мм ли ДТ-25 Т тўпи, 3 та 7,62 ДТ пулемёти.

ИС-3 оғир танки



ИС-3 оғир танки Иккинчи жаҳон урушининг якунловчи босқичида, 1945 йил 29 мартда қуролланишга қабул қилинган. Танк ўз даври учун ноодатий ташқи кўриниш ва минорага эга эди. Миноранинг томига зенит пулемёти ўрнатилган бўлиб, танк экипажи командири ундан самолётларга қарата ўқ отиш имкониятига эга бўлган.

ИС-3 танки урушга бир неча ой кечикиб кирди, бироқ Иккинчи жаҳон уруши якуни муносабати билан иттифоқчи қўшинлар томонидан 1945 йил 7 сентябрда ишғол этилган Берлинда уюштирилган парадда биринчи бор намоиш этилди ва кўпчилик ҳарбий иттифоқчилар ва мутахассисларни ҳайратга солди. Тактик-техник тавсифлари: экипаж – 4 киши; олд зирхи – 120 мм; юриш узоқлиги – 190 км; тезлиги – 40 км\с; оғирлиги – 45,8 т; куч қурилмаси, қуввати 520 от кучига эга В-11 дизел двигатели; қуроллари – 122 мм ли Д-25 Т тўпи, 12,7 мм ли ДШК пулемёти, 7,62 мм ли ДТМ пулемёти.

ИСУ-152 ўзиюрар артиллерия қурилмаси



ИСУ-152 – Иккинчи жаҳон уруши давридаги энг оғир ўзиюрар-артиллерия қурилмасидир. Мазкур машинанинг номи ИСУ “ИС танки негизидаги ўзиюрар қурилмани” англатади. Қуролланишга 1943 йилнинг 6 ноябрида қабул қилинган. Мазкур қурилма тарихга “Зверобой” тахаллуси билан кирган, қурилмага ўрнатилган 152,4 мм гаубица 49 килограммли ўта оғир снарядлар билан 600 метр масофадаги ҳар қандай зирхни тешиб ўтиш хусусиятига эга бўлиб, немисларнинг «Тигр» ва «Пантера» танкларининг минорасини яксон қилган, ҳатто гитлерчиларнинг яхши ҳимояланмаган техникасидан бир неча метр масофада портлаган снаряд таъсирида улар ярқисиз ҳолга келган. Тактик-техник тавсифлари: экипаж – 5 киши; олд зирхи – 75 мм; юриш узоқлиги – 190 км; тезлиги – 43 км\с; оғирлиги – 45,5 т; куч қурилмаси В-2К дизел двигатели, қуввати 600 от кучи; қуроллари – 152 мм ли МЛ-20 гаубица.

1941 йил намунасидаги 57 мм танкка қарши ЗИС – 2 тўпи



В. Грабин раҳбарлигидаги конструкторлар бюроси томонидан 1940 йилда 57 мм танкка қарши ЗИС – 2 тўпи яратилди ва 1941 йил мартида қуролланишга қабул қилинди. 57 мм танкка қарши ЗИС – 2 тўпи ўша замоннинг энг кучли танкка қарши воситаси ҳисобланган. 1941 йилда ЗИС – 2 тўпининг зирх тешувчанлиги шунақа ортиқча эдики, ўша пайтдаги немисларнинг танкларига қарши 76 ва 45 мм ли тўпларнинг қарши тура олишлари етарли эди. Шунингдек, ишлаб чиқаришнинг мураккаблиги ва таннархининг қимматлиги туфайли уни ишлаб чиқариш тўхтатилди. Жанг майдонларида душманнинг оғир “Тигр” танкларининг пайдо бўлиши 45 ва 76 мм ли тўпларнинг уларга қарши курашишининг самарасиз эканлигини кўрсатди. 1943 йилда ЗИС – 2 тўпини ишлаб чиқариш яна йўлга қўйилди.

Асосий тавсифлари: ҳисоби -5 киши; вазни – 1250 кг; отиш узоқлиги – 8400 м; зирх тешувчанлиги 500 метрдан 147 мм; отиш суръати – дақиқада 20-25 снаряд.

1942 йил намунасидаги 76-мм ЗИС-3 дивизия тўпи



Қаршингизда, конструктор Василий Грабин томонидан яратилган Иккинчи жаҳон урушининг энг яхши тўпларидан бири - 1942 йил намунасидаги 76 мм ли ЗИС-3 дивизия тўпи жой олган. У Горький шахридаги 92-рақамли заводда ишлаб чиқарилган.

Ушбу дивизия тўпининг полк артиллериясидан фарқи, ЗИС-3 батареялари тўғридан тўғри дивизия командирига бўйсинган. Бундай қурол узоқ масофага отганлиги туфайли анча муҳим вазифаларни бажаришга жалб қилинган. Тўпдан отилган снаряд тезлиги товуш тезлигидан юқори бўлган. ЗИС-3 1943 йилдан бошлаб оммавий тарзда ишлаб чиқарила бошланган ва танкка қарши полклар қуролларининг асосини ташкил қилган. Бир вақтнинг ўзида душманнинг ҳам зирҳли танк кўшинлари, ҳам пиёдаларига катта талофатлар етказадиган ягона тўпдир.

ЗИС-3 нинг нишонга олувчисига тўп стволини горизонтал ва вертикал йўналишларга буриш дастаклари бир жойдалиги катта қулайлик яратган. Тўпнинг асосий тавсифлари: ҳисоби – 6 киши; вазни – 1116 кг; отиш узоқлиги – 13290 м; отиш суръати - дақиқада 25 снаряд.

1944 йил намунасидаги 100 мм БС-3 дала тўпи



Навбатдаги экспонат Россия Федерацияси ҳукумати томонидан музейга совға қилинган 100 мм ли БС-3 дала тўпидир. Ушбу тўп Василий Грабин томонидан 1944 йида ишлаб чиқарилган. 1944 йилнинг 7 майида Қизил армияга қуролланишга қабул қилинган.

Тўп биринчи навбатда фашистларнинг “Тигр” ва “Пантера” танкларини йўқ қилиш учун ишлаб чиқарилган. Танкнинг зирҳини тешиб ўтмаганда ҳам танк ичидаги бошқарув тизимларини ишдан чиқарган, экипаж эса кучли контузия олган ва танк зирҳининг ичкарасидан кўчган парчалардан талофатланган. 100 мм БС-3 дала тўпи биринчи бор Қизил армия кўшинлари томонидан Венгриянинг Балатон кўли яқинида ўтказган операцияларида қўлланилган.

100 мм ушбу БС-3 дала тўпи Иккинчи жаҳон урушининг якуний босқичларида душманнинг яхши ҳимояланган мудофаа тўсиқларини йўқ қилишда катта рол ўйнади.

Асосий тавсифлари: ҳисоби – 6 киши; вазни – 3650 кг; отиш узоқлиги - 20 000 м; отиш суръати – дақиқада 10 снаряд.

1938 йил намунасидаги 122-мм М-30 гаубицаси



Набатдаги артиллерия қуроли 1938 йил намунасидаги 122 мм ли М-30 гаубицасидир. Ушбу гаубица Қизил армиянинг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги асосий артиллерия тизими ҳисобланган. У қуролсоз конструктор Ф.Петров бошчилигида ишлаб чиқарилган. Тўп билан гаубицанинг асосий фарқи, тўплар снарядни ерга паралел равишда, гаубица эса ёй траекторияси бўйича юборади. Шунинг учун гаубицанинг стволи ерга нисбатан анча юқорига кўтарилган. Гаубица осма траектория бўйича отганлиги туфайли снарядга бошлағич катта тезлик керак эмас, шунинг учун унинг стволи тўпларга нисбатан калтароқ бўлади. Нишонни кўрмай туриб, яъни координаталар бўйича ёпик ўт очиш позицияларидан зарба бериш учун энг қулай артиллерия воситаларидан бири бўлган. Асосий тавсифлари: ҳисоби – 8 киши; вазни – 2450 кг; отиш узоқлиги – 11800 м; отиш суръати – дақиқада 5-6 снаряд.

1943 йил намунасидаги 152-мм Д-1 гаубицаси



Артиллерия тизимларини унификация қилиш бўйича катта тажрибага эга бўлган Ф. Петров бошчилигидаги муҳандислик бюроси 18 кун мобайнида 152 мм Д-1 гаубицасини тўлиқ синовлардан ўтказди ва у 1942 йилда қуролланишга қабул қилинди. Ушбу артиллерия воситаси 100 мм ли БС-3 тўпи сингари музейимизга Россия Федерацияси томонидан совға қилинган. Уруш даврида жами 2827 донга Д-1 гаубицаси ишлаб чиқарилган. Д-1 гаубицаси урушнинг якуний босқичида 1944-1945 йилларда фаол қўлланилди. Гаубица ёпиқ позициялардан туриб душмanning очикликда жойлашган тирик кучларини, фортификация иншоотларини, тўсиқларни ва муҳим таъминот тизимларини йўқ қилишда самарали қўлланилди. Асосий тавсифлари: вазни – 3600 кг; отиш узоқлиги – 12400 м; отиш суръати дақиқада 3-4 снаряд; ҳисоби – 8 киши.


БМ-13 реактив миномёти “Катюша”



БМ-13 “Катюша” реактив миномёти 1941 йилнинг 21 июн куни, фашистлар босқинидан бир кун олдин қуролланишга қабул қилинди. “Катюша” ларнинг жангда биринчи бор қўлланилиши 1941 йил 14 июл куни Белоруссиянинг Орша шаҳри ҳудудида амалга оширилди. Капитан И.Флёровнинг артиллерия батареяси темир йўл тармоғига зарба бериб, душманнинг ҳарбий техника, ёқилғи ва бошқа захиралари ортилган эшелонларига зарба берди. Душманга жуда катта зарар келтирди. Иккинчи жаҳон урушининг энг қудратли қуролларидан бири ҳисобланган БМ-13 дек қурол бирор давлатда ишлаб чиқарилмади. Учаётган “Катюша” снарядларининг товуши, парчаланаётган снарядларнинг кенг майдон бўйлаб сочилиши душманни таҳликага туширди. Душман томонидан БМ-13 реактив миномётларни қўлга киритиш хавфи туғилганда уни портлатиб юбориш тўғрисида буйруқ берилган. Совет қўшинларининг ҳар бир йирик ҳужуми БМ-13 ларнинг қудратли зарбалари билан бошланган.

БМ-13 “Катюшалар” ЗИС-6 ва Американинг Студебеккер автомобилларига ўрнатилган. Унинг асосий тавсифлари: реактив снаряд калибри – 132 мм; йўналтирувчилар сони – 16 та; реактив снаряд вазни – 42,3 кг; отиш узоқлиги 8500 м; 16 та реактив снарядни отиш вақти – 7-10 сония; ҳисоби 5-7 киши

1939 йил намунасидаги 37 мм автоматлаштирилган АЗП -39 зенит тўпи



Музейнинг қаршингизда турган экспонати Беларус Республикаси Ҳукумати томонидан музейимизга совға қилинган. Уруш йилларида, Қизил Армиянинг энг оммавий зенит қуроли ҳисобланган, 37-мм АЗП-39 (61-К) “Само қўриқчиси” номи билан маълум автоматлаштирилган зенит тўпи – 1939-йилда ишлаб чиқарилган. Айнан “зенит қуроллари” олдинги марралардаги қўшинларни ва фронт ортидаги объектларни немис авиация зарбаларидан ҳимоя қилувчи ягона восита бўлиб, заруратга кўра душмanning зирҳли техникалари, танклари ва тирик кучларини йўқ қилишга ҳам жалб қилинган.

Унинг асосий тавсифлари: ҳисоби – 7 киши; калибри – 37 мм; отиш суръати бир дақиқада – 160-170 снаряд; вазни – 2100 кг.

57-мм автоматлаштирилган С-60 зенит тўпи



Музейнинг навбатдаги экспонати ҳам ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг қуролларига оид бўлиб, 57 мм ли автоматлаштирилган С-60 зенит тўпидир. Уруш йилларида самолётлар парвозининг баландлиги ва уларнинг тезлиги ортиб борди, улар зирхлана бошланди, булар ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг қуролларини такомиллаштириш кераклигини кўрсатди. Ушбу масаланинг ечими сифатида биз 57 мм ли автоматлаштирилган С-60 зенит тўпини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Унинг асосий тавсифлари: калибри - 57 мм; жанговар ҳолатдаги оғирлиги - 4 800 кг; горизонтал отиш узоқлиги - 12 000 м; ҳаво нишонларига қарата отиш майдони - 6 000 м; энг юқори бурчак остида отиши - 87°; отиш суръати – дақиқада 120 снаряд; ҳисоби 8 киши.

Қирувчи – моноплан Ла-7



“Ёвни мавҳ этган адолат кучлари” майдончасидан Иккинчи жаҳон урушида қўлланилган самолётлар ҳам ўрин эгаллаган.

Ла-7 совет қирувчи-моноплан самолёти Иккинчи жаҳон уруши даврида конструктор Семен Лавочкин раҳбарлигида ишлаб чиқарилган илғор қирувчи самолётлардан бири ҳисобланади. Ушбу самолёт қуйидаги тактик-техник тавсифларга эга: узунлиги - 8,6 м; учишидаги вазни – 3240 кг; максимал тезлиги – 655 км\с; кўтарилиш баландлиги 11300 м; учиш узоқлиги – 655 км; қуроли 2 та 20 мм ли тўп.

Самолёт С. Лавочкиннинг аввалги самолётлари каби манёврчанлик ва мустаҳкамликни ўзида мужассам этиб, мукаммаллаштирилган аэродинамикаси катта тезликда учиш имконини беради.

Ла-7 самолётлари 1944 йили қўшинлар қуролинишига келиб тушиб, учувчилар таҳсинига сазовор бўлган ҳамда кўплаб тактик-техник хусусиятларига кўра немис қирувчи самолётларидан устун эди. Ла-7 совет қирувчи самолёти люфтваффе билан бўлган жангларда устунликка эга бўлиб, энг кам талофот кўрган. Ла-7 қирувчи самолётини моҳирлик билан бошқарган учувчилар орасида энг таниқли учувчи уч карра Совет Иттифоқи Қаҳрамони Иван Кожедубдир.

Ли-2 ҳарбий-транспорт самолёти



Ушбу самолётлар DC-3 (Douglas) Дуглас самолёти негизда ишлаб чиқарила бошланди. Самолётларнинг илк тўпламлари 1939 йилнинг ёзида Горький шаҳридаги 84-сонли заводнинг машина йиғиш цехидан ПС-84 (пассажир самолёти, 84-сонли завод) номи билан чиқарила бошланди. 1941 йилнинг кузида 84-завод Тошкентга эвакуация қилинди. Энди самолётларни ишлаб чиқариш Тошкентда амалга оширила бошланди. Шу йили завод бош муҳандиси Б. Лисунов раҳбарлигида самолётга конструктив ўзгаришлар киритилди ва самолёт бош муҳандис шарафига Ли-2 деб атала бошланди. Ушбу самолёт қуйидаги тактик-техник тавсифларга эга: экипаж – 4 киши; куч қурилмаси – ҳар бири 1000 от кучига эга иккита 2ПДМ-62 ИР двигатели; учишдаги вазни – 11 000 кг; десант сони – 28 киши; учиш тезлиги – 320 км/с; учиш баландлиги – 5600 м; учиш узоқлиги – 2500 км.

Ил-2 штурмчи самолёти



Ил-2 самолёти жаҳондаги биринчи зирҳланган штурмчи самолёт ҳисобланади. Жанговар сифатлари юқори бўлган бунақа самолёт Иккинчи жаҳон уруши йилларида бошқа бирорта авиаконструктор бундай самолёт ишлаб чиқара олмади. Ушбу самолётнинг устунлик томонлари шундан иборатки, у Иккинчи жаҳон урушининг энг мукамал, юқори учиш-техник тавсифларга, кучли зирҳланганлиги учун юқори яшовчанликка ва қудратли қуролларга эгаллиги ва бошқарувнинг оддийлигидадир. Унинг ягона камчилиги учувчининг ортида жойлашган ўқчи кабинасининг химояланмаганлигидир. Экипажи- 2 киши; узунлиги – 11,6 м; учишдаги вазни – 5340 кг; қуроллари – 23 мм ли 2 та ВЯ тўпи, ортида 12,7 мм ли УБТ пулемёти; бомба кўтариши – 400 кг; реактив снарядлар – 8 дона; учиш тезлиги 402 км\с; кўтарилиш баландлиги – 4000 м; учиш узоқлиги – 765 км. 1941 йил ёзида авиация қуролланишига киритилган.

Қирувчи Ла-5 самолёти



1943 йил апрелида Ла-5 ФН самолёти қирувчи авиация қуролланишига қабул қилинди. Доимо унинг бошқарув, ёқилғи ва ҳаво тизимлари конструкторлар томонидан такомиллаштириб борилди. Тезлиги аввалида 630 км\с, кейинчалик, 685 км\с га етказилди. Юқори тезлик ва манёврчанлиги учун у душман Мессершмитларининг ортига тезкорлик билан ўтиб ҳужум қила олган.

Ла-5 ФН самолётлари Курск ёйидаги жангларда муваффақият билан қўлланилди, Днепр дарёсини кечиб ўтишда 17-Ҳаво армияси таркибида кечувни таъминлашда ва бошқа кўпгина ҳал қилувчи жангларда ушбу самолёт юқори жанговар самарадорлик билан қўлланилди.

Самолёт қуйидаги тактик-техник тавсифларга эга:

Уzunлиги – 8,6 м; учишдаги вазни – 3168 кг; максимал тезлиги – 648 км\с (янги турдаги двигателлар ўрнатилиб самолётнинг тезлиги мунтазам оширилиб борилди); учиш узоклиги – 1000 км; кўтарилиш баландлиги – 11200 м; экипаж – 1 киши; қуроллари – 2 та 20 мм ли ШВАК тўпи, 2 та 100 кг ли бомба.

Қирувчи Як-3 самолёти



Як-3 қирувчи самолёти 1944 йил март ойида қурулганига қабул қилинди. Иккинчи жаҳон уруши даврининг энг мукамал самолётларидан бири ҳисобланади. Як-3 ишлаб чиқарилиши билан Совет авиацияси ҳавода ҳукмронлик қўлга киритди. Урушнинг охири гача 4848 та Як-3 ишлаб чиқарилди.

Самолёт қуйидаги тактик-техник тавсифларга эга:

Узунлиги – 8,5 м; учишдаги вазни – 2692 кг; максимал тезлиги – 646 км/с; учиш узоқлиги – 648 км; кўтарилиш баландлиги – 10400 м; экипаж – 1 киши; қуруллари – 1 та 20 мм ли ШВАК тўпи, 2 та 12,7 мм ли УБС пулемёти.